Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 19 июнь. Чоршанба. № 40 (14338)

## АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК БЎЛСИН

Республикамиз раҳбарияти мамлакатда қурилиш ишларига, айниқса, биринчи навбатда топширилиши лозим бўлган иншоотларга катта эътибор бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 15 июнь куни Темурийлар тарихи давлат музейининг барпо этилиши жараёни билан танишди. Ҳозир музейда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Унинг очилиш маросими Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги байрамига мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари меъмор ва қурувчиларга музейнинг безаги хусусида маслаҳатлар берди. Музейнинг умумий ҳажми 60 минг куб метр, кўргазма залларининг майдони 2200 квадрат метрни ташкил этади. Президент мазкур музей тарихимизнинг тарғибот марказига айланиб қолиши лозимлигини таъкидлади. Кишиларимиз, айниқса ёшлар бу даргоҳдан жонли ва қизиқарли маълумотлар олиб чиқиб кетиши зарур. Музейга ташриф буюрганларда буюк аждодларимиз, хусусан мислсиз саркарда ва давлат арбоби, маърифатпарвар, бугунги кунда тарихий ёдгорликка айланиб қолган бинoларни барпо этиш ташаббускори Амир Темурнинг ҳаёти ва кўп қиррали фаолияти ҳақида имкон борича ёрқин ва бой таассурот қолсин.

Республикамиз раҳбари музей экспонатларини жойлаштириш масаласи билан атрофлича танишиб чиқди, Тошкентнинг Шайхонтоҳур туманида қурилиши режалаштирилаётган «Чорсу» спорт-соғломлаштириш мажмуи макетига баҳо берди, Самарқандда Амир Темур ҳайкалини ўрнатиш мўлжалланаётган жой хусусида мулоҳаза билдирди, Ўзбекистон пойтахти гербининг эскизлари билан танишди. Президент республика меъморлари, қурувчи ва лойиҳачиларини енгил ва чидамли конструкциялардан фойдаланиб, мустаҳкам ва сифатли бинолар қуришга даъват этди.

Президентнинг Темурийлар тарихи давлат музейига ташрифи чоғида унга республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ҳамроҳ бўлдилар.

(ЎзА).

## ГАЗ ЯНАДА КЎПАЯДИ

Бепоён Устюрт саҳроси ер ости бойликларини ўзлаштириш давом этмоқда. Ўтган йили Урга газ кони фойдаланишга топширилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди. Ҳозир бу кондан бир кеча-кундузда режадаги 1 миллион 25 минг куб метр ўрнига 1 миллион 60 минг куб метр газ жўнатилмоқда.

— Коннинг иккинчи навбатини тезроқ фойдаланишга топшириш ишлари авж олдирилмоқда, — дейди Урга газ кони бошқармаси бошлиғи М. Полвонбоев. — Айни пайтда бешта қудуқдан газ олинаётир. Яқинда яна етти қудуқ фойдаланишга топширилади. Учта қудуқда эса сўнгги тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу ишлар ниҳоясига етказилгач, мамлакатимизга ҳар кеча-кундузда 4 миллион куб метр газ етказиб берилади.

Жамоамиз Мўйноқ туманининг Орол денгизи ортга чекинган олис ҳудудида яшаб меҳнат қилмоқда. Улар учун зарур маданий-маиший шароит яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Яқинда барча қулайликларга эга бўлган иккита коттеж фойдаланишга топширилди. Яна битта шундай уй қурилмоқда. Кончилар посёлкасини магистрал йўл билан боғлаш мақсадида 43 километрли йўлга асфальт ётқизилмоқда.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҲИС-ҲАЯЖОНГА БОЙ МУСОБАҚА



16 июнь куни Тошкентнинг «Динамо» ўйингоҳида аёллар ўртасида «Челленжер» туркумига кирувчи Халқаро теннис мусобақаси ўз ниҳоясига етди. Бир ҳафта мобайнида давом этган ушбу турнирнинг якунловчи босқичи — финал учрашувида австриялик Патриция Вартуш германиялик Катрин Килшни 6:1, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош соврин — «Олтин коса» эгаси бўлди.

Тўғри, турнир бошида Вартушни ҳеч ким ғолибликка даъвогар ҳисобламаган эди, устига-устак финал босқичдаги учрашувларни деярли ўзидан анча паст рейтингга эга теннисчилар билан ўтказди. Унинг рақиби Килш эса аксинча Фрейа, Татаркова каби жаҳон теннис квалификациясида Килшдан юқори рейтингга эга теннисчилар эди.

Айниқса, Килш билан Татаркова ўртасидаги ярим финал учрашуви ҳақиқатан ҳам турнир кўркига айланди.

Катта машаққатлар эвазига германиялик теннисчи 7:5, 7:6 ҳисобида ўз рақибини мағлубиятга учратди.

Албатта ярим финалда Килш катта куч сарфлади ва финал учрашувида бу яққол сезилди.

Турнирнинг «биринчи ракеткаси» Татаркова эса ўзининг ярим финалдаги мағлубиятини жуфтлик мусобақаларида тузатишга эришди. Бу гал Татаркова Килшдан устун келди. Елена Татаркова ва Елена Брюховец жуфтлиги Катрин Килш — Робин Моудели (Австралия) жуфтлигини мағлубиятга учратди.

Шундай қилиб, мусобақалар якунланди. Мусобақа якунида Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қизларни кутлар экан, ушбу турнирнинг республикамизда теннисни оммалаштиришга бўлган хизмати нечоғли юксак эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, республикамизнинг кўплаб ташкилотлари теннисчиларга ўзларининг қимматбаҳо совғаларини топширишди.

Энг кўп совғалар турнирнинг энг ёш иштирокчиси ҳамюртимиз Ирода Тўлагановага насиб этди. Бу қизнинг келажагига ишонган хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, «Халқ сўзи» газетаси раҳбарлари ўзларининг туҳфаларини ундан аямадилар. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова эса бирваракайига яна бир ҳамюртимиз Луиза Бектиковага ҳам ўзи атаган совғаларни топширди.

«Камолот» жамғармаси Бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов жамғарма номидан Наталья Никитина, Светлана Синицина, Олеся Артемьева каби ёш истеъдод соҳибларига миллий газлама — хонатлас топширди. Ойнаи жаҳон спорт шарҳловчиси Людмила Жўраевани эса турнирнинг энг яхши ёритганлиги учун пул мукофоти билан тақдирлади.

Шундай қилиб, «Динамо» ўйингоҳида бир ҳафта мобайнида ўтган теннис марафони ўз ниҳоясига етди. У республикамизда теннисни ривожланишига шубҳасиз катта ҳисса қўшди, деб бугунданоқ айтиш мумкин. Теннис ихлосмандлари эса турнирнинг иккинчисини сабрсизлик билан кутишади.

**Нодир СУБХОН,**
**«Туркистон» мухбири.**

# Сизни Ватан кутади



## ОҚ ЙЎЛ, БИТИРУВЧИЛАР!

19 июнь — битирувчилар куни! Наҳотки, кечагина биринчи қўнғироқни тинглаб, алифни калтак деганлар... Ҳаёт оқар сув дегани шумикан?! Бу йил республикамизда жами 230 минг 500 ўқувчи етуклик гувоҳномасини олади. 230 минг 500 нафар ўқувчи халқ суянчиғига айланади. Орзу-истаклар ҳам шунга яраша!

Ўн йиллик ҳаёт ортда қолди. Ўн йиллик қадрдон мактаб, парта, синф, муаллим... ва синфдошларинг... қани энди йил яна бир йилга узайса!

...Аммо ҳаётнинг етуклик бекатига етиб келдинг. Энди сенга ишонч ҳам, талаб ҳам бўлакча. Сендан, ўн йил оқ ювиб, оқ тараган ота-онанг, ўн йил соч оқартириб ўқитган ўқитувчиларинг, ўн йил интизор кутган Ватан, фақат ва фақат яхшиликлар ва янгиликлар кутиб қолади.

Оқ йўл, азиз битирувчилар!

*Ишга марҳамат!*

## ЖАННАТНИ ЎЗИНГИЗ ЯРАТАСИЗ

Шу кунларда Ўзбекистондаги олий ва ўрта махсус билим юртларида сўнгги давлат имтиҳонлари, диплом ҳимояси ниҳоясига етмоқда. Яна бир неча ҳафтадан сўнг миңглаб йигит ва қизларимиз ўз севган касбларини эгаллаганликлари ҳақидаги шаҳодатномаларни қўлга киритиб, ҳаётга йўлланма оладилар.

Мен уларни мардлар синаладиган, инсон ҳар жиҳатдан баркамолликка эришадиган масканга — чўлга ишга келишга даъват этаман. Албатта чўл шаҳар эмас. Бу ерда шаҳардаги имкониятлар йўқ. Аммо бу ерда шаҳардан топиш қийин бўлган муҳит ҳар бир инсоннинг ўзлигини тезда англаб олиши, касб-кори бўйича маҳоратини ошириш, ўзини мушкул ишларда синаб кўриб, ҳақиқий бахтини топиши учун барча шароитлар бор.

Туманимизда 43 минг аҳоли яшайди. Улар пахтачилик, чорвачилик билан шуғулланишади. Бизнинг чўлда етиштирилган қовун-тарвуз, мевалар, ғалланинг мазаси бошқача бўлади. Чўлқуварларимиз 25,6 минг гектар ерда деҳқончилик қилмоқда.

Бизда ер сероб, сув мўл, замонавий техника воситаларига ҳам эгамиз. Энг муҳими, туманимизда ёшларга ишонч ва умид билан қаралмоқда. Уларнинг ўзлигини намоён этишлари учун барча шароит яратиб берилмоқда.

Туманимизга, айниқса агроном, қишлоқ хўжалиги инженерлари, ҳисоб-китоб ишлари ходимлари зарур.

Бу йил ўқишни тамомлаб, ўзини етук мутахассис ҳисоблаб турган дўстим, синглим! Қаерга бориб ишласам экан, деб кўп ўйлаб ўтирманг! Чўлга келинг! Биргалашиб, Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш ниятида тер тўкайлик!

Биз сизларга жаннат ваъда қилмаймиз. Аксинча, сизнинг ўзингиз бу ерда жаннат яратасиз.

**Ёрқул ТУРСУНОВ,**
**Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов тумани ҳокими.**

*Асл фарзанд ҳамиша Ватанига камол тилайди, унинг равнақи йўлида умрини бахшида этишни ўз бурчи деб билади.*

*Ислом КАРИМОВ.*

## САВОБЛИ КАСБ

Касбларнинг ҳаммаси яхши. Энг асосийси инсон ўзи танлаган касбига меҳр қўйишида. Қурувчилик касби ҳам улуғ касблардан. Тўғриси, ҳозирги пайтда айрим ёшлар бирор ҳунар эгаси бўлиш ўрнига енгил пул топиш йўлларига кириб кетмоқда. Олди-соттилар билан машғул бўлишмоқда.

Ёшликни инсон умрининг баҳори дейишади. Баҳорда экилган ниҳол ўз вақтида вояга етади. Шундай экан, ёшликнинг такрорланмас онларини беҳуда ўтказмаслик керак.

Қурувчи бўлишни ният қилган республикамизнинг барча ёшлари учун «Тошкентуйжойинвестқурилиш»нинг эшиклари очиқ. «Хуш келибсиз», деб кутиб оламиз. Ташкилотимиз ҳақида икки оғиз гап: қурувчиларимиз пойтахтимизнинг кўркига кўрк қўшиб турган «Ўзбекистон», «Чорсу», «Турон» каби меҳмонхоналарни, Халқлар дўстлиги саройи каби ўнлаб ҳашаматли биноларни барпо этган. Тошкентда кўплаб уй-жой биноларини бунёд қилган. Бир сўз билан айтганда, қурувчиларимиз кўплаб пойтахтимиз аҳолисининг дуосини олган. Ташкилотимиз қошида ҳунар-техника билим юртларида ғишт терувчи, пайвандловчи, бетончи, кран бошқарувчиси каби касбларни эгаллайди. Тажрибали қурувчиларимиз ёшларга касбнинг сир-асрорларини ўргатади. Вилоятлардан келган ёшлар биринчи навбатда ётоқхона билан таъминланади. Ётоқхоналаримизда барча шароитлар муҳайё. Спорт заллари, кутубхоналар ва дам олиш хоналари қурувчиларимиз хизматида. Бизнинг «Тошкентуйжойинвестқурилиш» ташкилотимиз 49 та акционерлик жамиятидан ташкил топган. Ҳар бир қурувчи ўз акциясига эга бўлади. Бу дегани, акция эгаси ўз акцияси учун дивидент олади. Бундай имтиёзлар ҳамма ташкилотларда йўқ. Тўғриси, бизга яхши ният билан келган ёшлар ютқазмайди. Қурувчилик касбини эгаллайди.

Азиз йигит-қизлар! «Тошкентуйжойинвестқурилиш»ига келинг. Сиз ўзингиз учун энг яхши касбни танлайсиз. Биз сизларни кутамиз.

**Тоҳир ЗОКИРОВ,**
**«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси раиси.**

*Аскар мактуби*

## ЙИГИТЛАР ХАЛҚЛАРНИНГ ҒУРУРИ-ФАХРИ

Юртга муҳаббатни фарзандлар учун болаликдан уйғотиш лозим. Ватанини севмаган, керак бўлганда юрт учун жонини фидо қилолмаган инсон инсонми?

Ватанга муҳаббат туйғуси ҳар бир халқда муқаддас ҳисобланган. Юртига хиёнат қилган инсонлар тарихда кечирилмаган ва кечирилмайди. Афсуски, орамизда Ватан ҳақида тушунчаси бўлмаган, савияси паст айрим йигитлар ҳам учрайди. Мен бунга ҳаётда ўзим гувоҳ бўлганман. Айрим ёшлар хизматдан бўйин товлаб, йигитлик бурчини бажариш ўрнига турли баҳоналарни рўкач қилади.

Хизматни бошлаганимизга ҳам бир йилдан ошди. У ерда кўп нарсаларни ўргандим. Энг асосийси касб эгалладим. Қийинчиликлар йўқ. Республикамизнинг турли бурчакларидан келган йигитлар билан дўстлашдим. Бир сўз билан айтганда, ҳаёт мактабини ўтаяпман. Хизматда спорт билан шуғулланганим жуда қўл келди.

Биз аскарлар юртимизнинг тинчлиги, осойишталиги посбонларимиз. Посбонлар эса ҳамиша жанговар ҳолатда бўлиши шарт. Ватан посбони бўлиш эса бахт. Аскарлик — шараф. Унга доғ туширишга ҳаққимиз йўқ. Хизматга чақирилаётган укаларимизга айтадиган гапим бор. Биз йигитлар миллатимиз фахри бўлишимиз керак. Керак бўлганда шу Ватан учун жонимизни фидо қилишга тайёр бўлишимиз лозим.

Бир нарсани фахр билан айтаман, азиз юртдошлар, сизлар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун тер тўкаверингизлар. Ватанимизнинг осойишталиги эса ишончли қўлларда. Шоир айтганидек:

*Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,*
*Қалқон бор: қалъа бут, қўрғон саломат.*
*Қизлар кулгусида авжу даромад,*
*Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.*

**Садриддин ПИРМАМАТОВ,**
**оддий аскар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

***Сизнинг мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларига кичик саноат-технологик линияларини, цехлар ва корхоналарни жорий этиш; қишлоқ жойларга кичик саноатни олиб кириш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил қилиш; аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган Ишланма ва Таклифларингизни амалга оширишингиз учун ҳамкорликнинг энг яхши шароитларини яратиб беради.***

***Ишланма ва Таклифларни танлов асосида кўриб чиқиш учун аризалар 1996 йилнинг 1 августига қадар барча жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, чет эл фуқароларидан, ташкилотлар ва ассоциациялардан қабул қилинади.***

**Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 11, Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси. Телефонлар: 41-00-72, 41-74-12, 41-03-83 Факс: 41-08-09.**

***Танлов иштирокчилари ўзларини қизиқтирган ахборот ва маълумотларни ҳафтанинг душанба куни соат 14.00 дан 18.00 гача Ўзбекистон Ёшларининг «Камолот» жамғармаси кичик залидан олишлари мумкин.***

## ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 18 июнда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми, 20,33 млн АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 37,80 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 19 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Австралия доллари | 29,92 |
| 1 | Австрия шиллинги | 3,53 |
| 1 | Англия фунт стерлинги | 58,33 |
| 10 | Бельгия франки | 12,09 |
| 1 | Голландия гульдени | 22,20 |
| 10 | Греция драхми | 1,57 |
| 1 | Дания кронаси | 6,45 |
| 1 | БАА дирхами | 10,29 |
| 1 | АҚШ доллари | 37,80 |
| 1 | Миср фунти | 11,13 |
| 1 | Ирландия фунти | 60,00 |
| 1 | Исландия кронаси | 0,57 |
| 10 | Испания песети | 2,94 |
| 100 | Италия лираси | 2,45 |
| 1 | Канада доллари | 26,67 |
| 10 | Хитой юани | 0,45 |
| 1 | Қувайт динори | 126,13 |
| 100 | Ливан фунти | 2,40 |
| 1 | Малайзия ринггити | 15,15 |
| 1 | Германия маркаси | 24,86 |
| 1 | Норвегия кронаси | 5,79 |
| 1 | Польша злотийси | 13,95 |
| 10 | Португалия эскудоси | 2,41 |
| 1 | Сингапур доллари | 26,84 |
| 1000 | Туркия лираси | 0,47 |
| 1 | Финляндия маркаси | 8,11 |
| 1 | Франция франки | 7,32 |
| 1 | Швеция кронаси | 5,67 |
| 1 | Швейцария франки | 30,20 |
| 1 | ЭКЮ | 46,96 |
| 10 | Жанубий Корея вони | 0,47 |
| 10 | Япония иенаси | 3,47 |
| 1000 | Россия рубли | 7,47 |
| 1000 | Украина карбованеци | 0,21 |
| 1000 | Беларусь рубли | 2,89 |
| 1 | Эстония кронаси | 3,11 |
| 1 | Латвия лати | 68,23 |
| 1 | Литва лити | 9,45 |
| 1 | Қозоғистон тенгеси | 0,57 |
| 1 | Қирғизистон соми | 3,07 |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

*«Гуллаётган диёр» танловига*



# ҚЎЛЛАРИМДАН ТУТМАНГ, КЕТАМАН

Келаман деб келмади, нетай?
Ё дунёдан бош олиб кетай!
Айт, қуёш, у қаерда ҳозир,
Ҳузурига мен ўзим етай.

Келаман деб келмади, майли,
Осмонлари менсиз ҳам ойли.
Биламан-ку, менсиз ҳам у қиз
Жуда бахтли, жуда чиройли.

***

У келди. Ёнида Шаҳло бор эди.
У келди оҳиста-оҳиста сузиб.
Билардим, қисматим кажрафтор эди.
У келди. Бир йиллик тақиқни бузиб.

Бир йил аввал қандай бехавф, бехатар,
Кўзларимни ёпиб-суюб ўпарди.
Дунё мендан ўтсин, мен ўтсам агар.
Унинг ҳижронида куюб ўтардим.

У келди бир йиллик тўсиқлар синди.
Ўзи дўст ва лекин киприклари ёв.
Кўрдим, соғинганим бирдан билинди,
Таралди танимдан топ-тоза олов.

Рўмоли шошилмай сирғалар, оқар,
Сочи бунча қора, фарқи бунча оқ.
Иккимизни икки ёққа айириб,
Бизнинг ўртамизга тортилган бу фарқ.

У келди. Ёнида Шаҳло бор эди,
Гапирди — тинмади. Кулди. Жилмайди.
Гарчи ташқарида совуқ қор эди,
Биламан барибир мен-ла қолмайди.
Қайрилди. Хонамга кирди бир зумга,
Чайқалиб бир даста хушбўй гул мисол.
Топширмас ўзини энди ҳеч кимга
Фарзанд кутаётган бегона аёл.
У келди...

***

Қўлларимдан тутманг, кетаман,
Кўникканман, кетмоқ оғирмас.
Ҳар қадамда хиёнат кўрган
Қалб энди оғримас, оғримас.

Кимки вафо кутаркан, ғўрдир,
Нечун сиздан садоқат куттим?

Биринчи бор севаётгандай
Унуттим, дунёни унуттим.

Неча хил ранг бўлса борлиқда
Кўрдим шунча бевафолик ҳам.
Ёрлар, дўстлар арзон соттилар,
Содиқ қолди ҳамиша онам.

Муҳиблардан хоинлик қолар,
Хиёнатлар — маҳбубалардан.
Мен кетаман, кўрмайсиз қараб
Умрингизнинг қуббаларидан.

Ростин айтсам, қизиғи йўқ ҳеч,
На тириклик, на сиз, на шеърнинг.
Кошки ўзга ўпган қизнимас,
Қучиб ётсам тупроқни, ерни.

Мен кетаман. Ой-йиллар ўтиб,
Кўнглингизда қолса из, асар,
Ишонинг, гар келтирса жарчи
Салим ўлди деган хушхабар.

Мен кетаман, уйимга эмас,
Ошиқ, ғарибларнинг сафига.
Замин менинг ягона уйим,
Шу дарвешлар яқин қалбимга.

Суянганча қўлтиқтаёққа
Қаторида жунунвашларнинг
Кафтимнимас, дилни тутганча
Айтаман сиз суйган ўланни.

Майли, менга тошлар отсинлар,
Олифталар тупуриб ўтсин.
Уст-бошимда жандалар кўриб,
Бир шоирни жаҳон унутсин.

Унутсинлар. Қарамасинлар...
Бир бор қараб ўтинг сиз фақат.
Жаранглатиб ташланг косамга
Сариқ чақачалик муҳаббат.

Қўлларимдан тутманг, кетаман,
Кўникканман, кетмоқ оғирмас.
Бу фироқдан буткул совиган
Қалб энди оғримас, оғримас.

**Салим АШУР**







**Куни кеча пойтахтимизнинг «Динамо» ўйингоҳида аёллар ўртасида «Челленжер» туркумига кирувчи Халқаро мусобақа якунланди.**

**СУРАТЛАРДА: (чапда) мусобақа ғолиби австриялик Патриция Вартуш, (ўнгда) иккинчи совриндор германиялик Катрин Килш.**

**Турнир Ватанимиз теннисчилари учун (ўртада) ўзига хос тажриба мактаби бўлди.**

**Сураткаш: Муҳаммад АМИН.**

*Спорт*

## ТОШКЕНТ ҲОКИМИ КУБОГИ ТОПШИРИЛДИ

Тошкентдаги «Трактор» стадионида футбол бўйича иккинчи лигадаги 12 команда ўртасида ўтказилган «Тошкент ҳокими Кубоги»нинг финал мусобақаси бўлди.

Мусобақада шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси (ТТИБ) ва «Бектемир» командалари учрашди.

Сўнгги ўйин жуда қизиқарли бўлди. Биринчи дақиқалардаёқ ташаббусга эга бўлган бектемирликлар бир неча қулай имкониятдан фойдалана олишмади. Бундан фойдаланган ТТИБ футболчилари рақиб дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритдилар.

Ғолибларга мукофотни Тошкент ҳокими Козим Туляганов топширди. У спортчиларни ғалаба билан қутлаб, бу мусобақа анъанага айланиши ҳамда шаҳар командаларидан мамлакатимиз футболининг олий ва биринчи лигаси спортчиларига муносиб ўринбосарлар етишиб чиқишига ишонч билдирди.

**(ЎзА).**

*Футбол: Европа биринчилиги*

## КУТИЛГАН ВА КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Ушбу сатрлар газетамизда чоп этилаётганда ҳали III- турнинг дастлабки тўрт учрашуви давом этаётган эди.

Айниқса, футбол мухлислари Франция—Болгария, Голландия—Англия ўртасидаги учрашувлар натижасини сабрсизлик билан кутаётган эдилар. Сабаби, айнан шу учрашувлар натижаси чорак финалда қайси жамоа иштирок этишини аниқлаши керак эди.

Учинчи тур мусобақалари ҳали якунланмаган экан, сизнинг эътиборингизни бундан уч кун аввал якунланган II тур ўйинларига қаратмоқчимиз.

Ушбу тур шубҳасиз, кўпгина саволларга жавоб қайтариши ва жамоалар кучини, уларнинг нималарга қодир эканлигини ҳамда ҳозирданоқ қайси жамоа биллур соврин учун курашишга тайёр эканлигига аниқлик киритиши лозим эди.

Бироқ, ушбу тур кутилмаган натижаларга мўл бўлди.

Италия — Чехия — 1:2.

Жаҳон биринчилигининг кумуш медал совриндори Италия терма жамоаси вакиллари Россия футболчилари устидан қозонган ғалабадан кейин, Чехия жамоасини бемалол мағлуб қилишига кўплаб мутахассислар ишонган эди. Бироқ, шу кеча бахт италияликлардан юз ўгирди. Ҳужумчиларнинг омади чопмагандек, ҳимоя чизиғи ҳам панд берди. Чехияликлар эса аксинча, германияликлардан Манчестердаги мағлубиятдан сўнг майдонга «энди ҳеч нарса йўқотиб бўлмайди, ё ғалаба, ё...» қабилида ўйин кўрсатиб, ҳеч ким кутмаган натижага эришишди.

Якшанба куни яна бир кутилмаган натижа рўй берди. Шеффилд шаҳридаги «Хилдсборо» ўйингоҳида 40 мингдан ортиқ томошабин гувоҳлигида Европа чемпионлари данияликлар ушбу мусобақаларда биринчи бор иштирок этаётган Хорватия терма жамоасининг кучли ҳужумчиларига ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмадилар. Бобан ва икки марта Шукер киритган тўплар хорватияликларга омад келтирди. Шукер яна бир тўпнинг муаллифи бўлиши мумкин эди. Данияликлар учун бахтли тасодифгина уларни тўртинчи тўпни ўзларининг тўрларидан олиб чиқишга йўл қўймади. Дания терма жамоаси дарвозабони Шмейхелнинг олдинга чиқиб кетганини кўрган Шукернинг майдон маркази чамаси 40—45 метрлардан кучли зарбаси билан йўналтирилган тўп, фақатгина орқага қайтишга улгурган дарвозабоннинг ҳатти-ҳаракатлари билан дарвозага кирмади.

Фақат Германия, Голландия, Англия терма жамоалари ўз рақибларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади.

Германия — Россия 3:0.

Голландия — Швейцария 2:0

Англия — Шотландия 2:0.

Кройф, Бергкамп, Ширер, Клинсманн киритган тўплар эса ҳар қандай мусобақа кўрки бўлиши шубҳасиздир.

Болгария учун бахтли, Руминия учун бахтсиз бўлган яна бир тасодиф Ньюкасл шаҳрида рўй берди. Руминия терма жамоаси вакили Мунтияну тепган тўп Болгария дарвозаси тўсинига тегиб, дарвоза чизиғидан ичкарига кирдида яна қайтиб майдонга тушди. Ўйин хаками эса ушбу голни ҳисобламади. Шундай қилиб, Стоичков киритган ягона тўп болгарияликларга омад келтирган бўлса, руминияликларнинг Биллур соврин тўғрисидаги орзуларини пучга чиқарди. Португалия—Туркия ўйини эса 1:0 ҳисобида португалияликлар фойдасига ҳал бўлди.

Шундай қилиб, бугун чорак финалда иштирок этувчи жамоаларнинг барчаси аниқ бўлади. Германия ва хорватияликларнинг омади яна қайси жамоаларга насиб этар экан...

*Газета саҳифаланаётганда*

## ТЕКИН ФОЙДА ИЗИДАН...

Телефон кабелларини муттасил ўғирлашга бел боғлаган наманганлик бешта ўғрига бугунги кундаги ҳар қандай каззоб ҳам тан бериши мумкин.

Жиноятчилар уч марта «иш»га чиқди. Бу орада улар вилоят марказида жойлашган қудуқлардан жами 200 минг сўмлик бир километрга яқин кабелни ўмариб кетишди, холос. Агар Наманган телекоммуникация тармоғининг бир қисми ишдан чиқарилгани ва оқибатда юзлаб абонентлар ўртасидаги алоқанинг узилиб қолгани ҳам ҳисобга олинса, ўғрилар томонидан етказилган зарарнинг умумий ҳажми янада ортиб кетади.

Уғирланган кабелнинг харидорлари ҳам «соддалик қилиб», бундай камёб буюмнинг қаердан олинганини сўраб-суриштириб ўтирмай, унинг асл нархидан 6—7 баравариға арзон нархда сотиб олишган.

Экканингни ўрасан: жиноятчилар қўлга олиниб, жиноий жавобгарликка тортилди, суд ҳукми билан ўн йилдан ўн бир йилгача муҳлат билан озодликдан маҳрум қилиниб, қаттиқ режимдаги қамоқхонага жўнатилди. Уғирланган кабел эгаси — Наманган шаҳар телефон станциясига қайтариб берилди.

Суд ҳукмидан кейин шаҳарда ҳеч ким телефон кабели ўғриларидан «ибрат» олишга уринмаса керак, албатта.

**Н. ХЎЖАЕВА, ЎзА мухбири.**

*Қашқадарё томонларда*

### ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Жаҳонгир бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйи муносабати билан Усмон Юсупов туманида бир қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Хўжаликлар ва корхоналар шу сана муносабати билан 25 гектарли боғ барпо этишди. Яқинда туман маркази Янгимиришкор қўрғонидаги Соҳибқирон номи билан аталадиган хиёбонда буюк саркарда, давлат ва жамоат арбобининг бюсти ўрнатилди.

### БЕКАТЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

Қўриқ туман марказининг қўшни туманлар ва Қарши шаҳри билан боғлайдиган йўллари автобекатларини таъмирлаш ва қуриш жадаллик билан давом этмоқда. Шу кунгача 8 та бекат Шарқ меъморчилиги уйғунлаштирилган ҳолда замон талабига мос қилиб қурилди.

### ЯНГИ БОЗОР

Жейнов — тумандаги аҳолиси зич қишлоқлардан. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда бу ерда хизмат кўрсатиш тармоқлари сонини кескин кўпайтиришга тўғри келди. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталарини кўпайтириш баробарида халқ талаби ҳисобга олиниб қишлоқнинг қоқ марказида янги бозор қурилди.

«Жейнов» жамоа хўжалиги ҳисобидан қурилган мазкур бозорда сўнгги пардозлаш ишлари жадаллик билан давом этаяпти.

**Ҳ. ПИРИМҚУЛОВ.**

## НАФС ҚУРҒУР БАЛОДИР...

**(Боши 2-бетда)**

Термиз шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Абдусалом Тошматов ўз ишига ниҳоятда совуққонлик билан қарамаганда, меҳнат интизомини бўшаштириб юбормаганида, муҳр ва тўлов талабномаларини айнан бир кишига биркитиб қўйганида эҳтимол юқоридаги каби жиноятлар содир этилмас эди.

Термиз шаҳар почта алоқаси ва матубот тарқатиш корхонаси бош ҳисобчиси Нурмамат Мейлиқулов ҳужжатли таққослаш ишларини ўз вақтида, етарли олиб бормаган. Шу сабабли юқоридагидек жиноятлар тегирмонига сув қуйиб турмаганмикин? Ахир, айнан унинг ўз ишига совуққонлик билан қараганлиги сабабли Нина Плохова Баҳром Мамараимов билан жиноий тил бириктирган ҳолда ўзгаларнинг бир юз қирқ олти минг олти юз тўққиз сўмлик мулкини ўзлаштириб кетишига осонгина йўл қўйиб бермаганмикин? Биласизми, Нурмамат Мейлиқулов ўзига ишониб топширилган вазифани суиистеъмол қилиб, қонуний ҳужжатларни қалбакилаштириб ёзиб беришдан ҳам тоймади.

Хўш, шунча катта миқдордаги пуллар бир жиноий тўда томонидан ўзлаштириб юборилди. Аммо, вилоят почта алоқаси ва матбуот тарқатиш корхонаси раҳбарлари қаёққа қарашди экан? Наҳотки сезишмаган? Ишониш қийин.

Айбдорлар жазосиз қолмади. Елена Войшева олти йилга, Баҳром Мамараимов, Лилия Сафина, Нина Плоховалар беш йилга, Нурмамат Мейлиқулов уч йилга озодликдан маҳрум қилинди. Абдусалом Тошматовга икки йилга ахлоқ тузатиш иши белгиланди. Шу вақт мобайнида ойлик даромадининг йигирма фоизи давлат фойдасига ундириладиган бўлди. Ишқилиб, нафақа пулларини туя қилганлар жазодан қутилиб қололмадилар.

### СОЛИҚЧИЛАР НОПОК БЎЛГАЧ...

Зулфия Бозорованинг қўлидан келмайдиган иш йўқ ҳисоби. Хоҳласа-меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни қалбакилаштириб, истаган обрўли ташкилотларга ишга жойлашиб олаверади.

Аввал туман матлубот жамиятида сотувчи бўлиб ишлади. Аммо, қўлга тушиб қолди. Харидорлар ҳақидан ортиқча олиб қолганлиги учун уни суд бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига жалб этди. Бироқ, Зулфия бундан хулоса чиқариш ўрнига қинғир ишларини авж олдириб юбораверди. Аввало, судланганлигини яшириш мақсадида қалбаки меҳнат дафтарчасидан фойдаланиб келди. Бироқ, буни на туман ҳайвонларни даволаш бўлимидагилар, на шаҳар ҳокимлигидагилар сезишмади.

Шеробод туман солиқ инспекцияси раҳбарлари ҳам судланган кишини ишга қабул қилишди. Нега? Улар юқоридагидек қинғир ишлар билан шуғулланиб келган Зулфия Бозоровани инспекциянинг жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими назоратчиси вазифасига ишга тайинлаб, хатога йўл қўйдилар. Наҳотки кадрларни танлашда шунчалик лоқайдлик қилинса?

...Кунлардан бир куни инспекция бошлиғи муовини Мели Йўлдошевнинг буйруғига асосан назоратчилар — Ҳалим Остонов билан Зулфия Бозорова вилоят солиқ бошқармаси жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи Абдусалом Абдимўминов билан биргаликда Шеробод деҳқон бозоридаги кишиларнинг ҳужжатларини текширдилар.

Текшириш якунланаётганда Зулфия Бозорова турли товарларни сотаётган Моҳира Эгамбердиевани кўрсатиб:

— У ҳеч кимни писанд қилмайди. Яна ғайриқонуний равишда дори-дармонлар сотаётир. Моҳира кимга суянар экан? — деди.

Шундан сўнг Зулфия Моҳира Эгамбердиева сотаётган товарларни йиғиштириб олди.

Кейин эса ҳисоблаб кўрсалар Моҳира Эгамбердиева тўрт минг бир юз ўттиз икки сўмлик, — ўттиз беш номдаги дори-дармонлар, тўқсон беш дона кир совун, жами бўлиб беш минг икки юз етмиш икки сўмлик товарни сотаётган экан. Бу ҳақда баённома тузилиб, Моҳирадан тушунтириш хати олинди.

Вилоят солиқ бошқармаси жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими бошлиғи Абдусалом Абдимўминов эса М. Эгамбердиевадан олинган товарларни ва ҳужжатларни Зулфия Бозоровага берди. Дори-дармонлар ва совунлар эса деҳқон бозоридаги хонага қўйилди. Бу хонанинг калити Зулфия Бозоровада қолди. Солиқ инспекцияси назоратчилари тўпланган ҳужжатларни икки кун мобайнида қонуний равишда расмийлаштирмадилар. Уларни махсус дафтарларда ҳам қайд этмадилар. Нега? Туман солиқ инспекцияси раҳбарлари нима учун бунга йўл қўйиб бердилар? Бунга жавоб топиш қийин.

Зулфия Бозорова шериги Ҳалим Остонов билан жиноий тил бириктириб, М. Эгамбердиевани маъмурий-жиноий жавобгарликка тортмасликка ва олинган товарларни қайтариб беришга ваъда қиладилар. Мушук ҳам офтобга бекорга чиқмайди, деганлари рост экан.

— Беш минг сўм олиб келасиз.

Моҳира бу гапдан сўнг нима қилишини билмай саросимага тушиб қолди. Пулни қаердан топаман? Кимга учрашсам ишим тезроқ ҳал бўлади?

...Моҳира чўнтагидаги пулни пора талаб қилган солиқчилардан бирига — Зулфия Бозоровага бермоқчи эди. Лекин, у дарров кетиб қолди. Шу сабабли унинг шериги Ҳалим Остоновнинг чўнтагига солиб қўйдида: «Опага (Зулфия Бозоровага) раҳмат! деб қўйинг» дея тайинлади.

Ҳалим Остонов эса чўнтагига пул солинганини кўрса-да, хурсанд бўлганлигиданми, индамади. Ҳатто «Пулингизни олиб кетинг, бундай нарсангиз керак эмас!» ҳам демади. Ахир, Моҳира унинг чўнтагига махсус ишлов берилган беш минг сўм пул солган эди-ку?

Суд ҳукмига асосан Зулфия Бозорова тўрт йилга, Ҳалим Остонов эса беш йилга озодликдан маҳрум қилиндилар. Ўз мансабидан фойдаланиб, бойлик орттирмоқчи бўлган солиқчилар тафсилоти ана шундай якун топди.

Аммо... Масаланинг яна бир тарафи бор. Нима учун вилоят солиқ бошқармаси ҳамда Шеробод туман солиқ инспекцияси раҳбарлари шундай нохуш ҳолларнинг олдини олиш чорасини кўрмадилар, нега нопок кадрларни ишга тайинлаганлар? Бу саволлар жавобсиз.

Юқорида нопок ишлари бир-бир саналган кимсалар жимгина ўз юмушини бажариб, ҳалол, покиза ишлаб юрсалар бўлмасмиди? Нега пулга бунчалик сажда қилдилар ё айрим жиноий ишга қўл урган кишилар: «Оғримаган бош ҳам бошми? Иш бўлгандан кейин...» дейишларида бирор сир бормикин?

Оғриган бош эса... Фақат унинг эгаларигагина эмас, яна юзлаб кишиларга — судланганларнинг бола-чақаларига ва қариндошларига ҳам бир дунё ташвиш, қайғу олиб келишини билишмаганмикин?

**Назарқосим МУСУРМОНҚУЛОВ,**
Сурхондарё вилояти судининг раиси.
**Жовли ХУШБОҚОВ,**
«Туркистон» мухбири.

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58;
хатлар бўлими — 36-54-65; тижорат бўлими 33-79-69; ижодкор ёшлар — 36-57-52; котибият — 36-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. —— 0310
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Ҳажми —— 2 табоқ. Тираж — 9604.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00

1 2 3 4 5 6